

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙУЛЛАРИ

Набиев Карим Камилович

Тошкент давлат иктисодиёт унверситети

«Банк иши» кафедраси катта уқитувчиси

Хозирги кунда жахон иктисодиётида баркарорсизлик давом этаётган даврда мамлакатимиз иктисодиётини баркарор ривожлантириш, унинг ракобатбардошлик даражасини ошириш муҳим масала ҳисобланади. Бунинг учун иктисодиётда таркибий узгаришларни чуқурлаштириш, юқори техно-логик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, саноат тармоқларини модернизация қилиш ва технологик янгилаш жараёнларини тезлаштириш лозим. Банкларнинг инвестиция фаолияти ва бу банк инвестор сифатида даромад олиш максатида молиявий активларни сотиб олиши, реал активларни яратиши ва ташкил қилиши учун маблағларни жойлаштириши билан боғлиқ фаолиятидир. Банкларнинг инвестиция фаолиятини бошқа инвесторлар фаолиятидан фарқли томони шундаки, улар инвестицияни жалб қилинган маблағлар эвазига амалга оширадilar. Шунинг учун ҳам банк бир томондан инвестор сифатида бозорда пайдо бўлса, бошқа томондан эса у қарздордир. Ушбу ҳолат банклар учун ликвидликни муҳим масала қилиб қуяди, улар активлар ва пасивларининг муддати, ҳажми ва фойиз ставкалари буйича мутаносиб бошқаришни тақозо этади.

Ривожланган мамлакатларда тижорат банкларининг инвестиция фаолиятларини молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлиб миқозлардан жалб этилган муддатли ва жамгарма депозитлари ҳисобланади. Бунинг сабаби биринчидан, капитал тижорат банклари фаолиятини молиялаштиришнинг нисбатан қиммат шакли ҳисобланади; иккинчидан, тижорат банклари фаолиятининг моҳиятига қура, аҳоли ва қорхоналарнинг вақтинчалик буш пул маблағларини депозит ҳисобрақамларига жалб қилиш ва уларни қредитлар, инвестициялар шаклида жойлаштириш билан шугулланувчи тижорат ташкилотлари ҳисобланади; учинчидан, банклараро қредитлар нисбатан қиммат молиявий ресурс ҳисобланади, шу сабабли ундан актив операцияларни

молиялаштиришда фойдаланиш тижорат банклари фоизли харажатлари микдорининг ошишига олиб келади; туртинчидан, тижорат банклари трансакцион депозитлардан тугридан-тугри, яъни муддатли депозит шартномаси тузмасдан туриб фойдаланишга ҳақли эмас.

Утиш иктисодиёти мамлакатларида тижорат банкларининг трансакцион депозитлардан ресурс сифатида тугридан-тугри, яъни муддатли депозит шартномасини тузмасдан фойдаланиши уларнинг депозит базаси мустаҳкамлигига салбий таъсир килади, ликвидлилик рискининг кучайишига хизмат килади. Бунинг сабаби шундаки, трансакцион депозит бекарорлик даражаси жуда юкори булган пассив ҳисобланади. У исталган вақтда миждоз томонидан талаб килиб олиниси мумкин. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларнинг банк амалиётида трансакцион депозитлар тижорат банки учун ресурс манбаи ҳисобланмайди ва уларга фоиз туланмайди. Ривожланган давлатлар банкларининг ресурслар базасида миждозларнинг маблаглари юкори салмокни эгаллайди. Хусусан, Финляндия, Италияда жами банк пассивларининг 30 % дан ортик кисми миждозлар (жумладан, жисмоний шахслар) маблагларига тугри келади. Бу курсаткич Япония ва Исроилда 80% ни ташкил этади.

Тараккий этган мамлакатларда молия бозорининг ривожланганлиги сабабли тижорат банклари томонидан чиқарилган кимматли қозларни сотиш натижасида олинган пул маблаглари улар ресурсларининг умумий ҳажмида сезиларли даражада юкори улушни эгаллайди. Мазкур ресурслар асосан банкларнинг узок муддатли инвестицион операцияларини молиялаштиришда ишлатилади.

Ривожланган мамлакатлар банк амалиётида инвестицион фаолиятнинг муҳим таркибий кисми булиб кимматли қозларга қилинган инвестициялар ҳисобланади. Банклар томонидан кимматли қозларга қилинган инвестициялар Франция тижорат банкларида 16,2%, Германияда - 15,5%, Италияда - 23,8%, Буюк Британияда - 7,8%, Испанияда - 23,8%, АКШда - 2,2 %, Бельгияда - 6,4 %, Японияда -10,2% ни ташкил килади.

Республикамизда молия бозори етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли тижорат банклари инвестицияларни молиялаштиришда асосан узок муддатли кредитлари билан иштирок этадилар. Банкларнинг бир йилдан ортик муддатга берилган кредитлари узок муддатли кредитлар ҳисобланиб, улар аҳоли ва ҳужалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш мақсадида берилади.

Инвестицион кредитлар хажмига инфляция даражаси ҳам таъсир килади. Инфляция даражаси юкори булган шароитда банкларнинг инвестиция фаолияти сусаяди, чунки кредитларнинг фоиз ставкаси ошади ва банкларнинг спекулятив операциялар билан шугулланишга кизикиши ортади. Инфляция даражаси канчалик юкори булса, банкларнинг реал фоиз ставкаси шунча пасайиб кетади, бу банкларни инвестиция килишга рагбатлантирмайди. Республикамизда кейинги 5 йил мобайнида инфляциянинг даражаси 9-10 фоиз атрофида булиб, бу банк кредитлари буйича фоиз ставкаларининг пасай-ишига олиб келган.

Республикамиз тижорат банклари кредит куйилмаларининг юкори усиш суръатига эга булишида узок муддатли кредитларнинг фоиз ставкаларининг пасайиши, мажбурий захира ставкаларининг узгарганлиги ва табакалаштирилганлиги мухим рол уйнаган. Аммо хозирги кунда тижорат банкларининг инвестицион кредитлар хажмига таъсир этувчи омиллар каторига худудларнинг иктисодий жихатдан ривожланганлик даражаси, ресурслар таннархи ҳамда тижорат банкларига давлат томонидан имтиёзларнинг мавжудлигини алохида таъкидлаб утиш лозим.

Тижорат банкларининг инвестицион кредитлар бериш салохияти, биринчи навбатда, уларнинг ресурс базаси етарлилиги билан белгиланади. Мамлакатимиз тижорат банклари ресурс базасининг биринчи кисми ка-питалдан иборат булса, иккинчи кисми эса депозитлардан иборат. Сунгги йилларда тижорат банклари капитал базаларининг ҳам, депозит базаларининг ҳам усиш тенденциясига эга.

Шуни таъкидлаш жоизки, республикамиз тижорат банкларида депозит маблаглари умумий усиш тенденциясига эга булса-да, уларнинг базасини узок муддатли депозитлар хисобига янада мустахамлаш лозим. Чунки республикамиз тижорат банкларида трансакцион депозитларнинг жами депозитлар хажмидаги улуши 50 фоиздан юкорилигича колмокда. Жахон Тикланиш ва тараккиёт банки экспертларининг фикрича, трансакцион депозитларнинг жами депозитлар хажмидаги улуши 30 фоиздан ошмаслиги лозим. Акс холда муддатли маблаглар етишмайди ва бу тижорат банкларининг кредитлаш салохиятини оширишни чегаралайди. Тижорат банклари ресурс базасининг иккинчи мухим таркибий кисми уларнинг капитал базаси хисобланади.

Банклар инвестицияларни амалга оширишда факатгина даромадлиликни эмас, балки банкнинг ликвидлилик даражасига ҳам ахамият беришлари лозим. Бунда инвестицион лойихаларни молиялаштириш учун узок муддатли инвестицион кредитларни уз капиталлари ва узок муддатли депозитлар хисобига

молиялаштиришлари лозим. Шундагина банкда ликвидлилик муаммоси вужудга келмайди. Республикамиздаги банклар иктисодиёт тармоқларидаги инвестиция лойihalарини молиялаштиришга турли бюджетдан ташкари фондлар ва сугурта компаниялари маблагларини фаол жалб қилишлари лозим. Чунки буларнинг маблагларининг аксарият қисми узок муддатли булиб, уларни инвестиция лойihalарини молиялаштиришга трансформация қилиш банкларда ликвидлилик муаммосини келтириб чиқармайди.